

ОАВ ТИЛИ МИЛЛИЙ ТИЛНИНГ БАРЧА ФУНКЦИОНАЛ ТУРЛАРИ СИФАТИДА

Тешабаева Дилфузада Муминовна

Филология фанлари доктори, профессор

Қодирова Дилнозада Холик қизи

ЎзДЖТУ, Медиа ва коммуникация факултети талабаси

АННОТАЦИЯ

Хозирда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари энг самарали ахборот узатиши ва мулоқот воситаси, замонавий жамиятнинг муҳим ижтиёдий институтларидан бирига айланди. Айнан ОАВ зинмасига ижтиёдий онг шакланиши ва тараққиётига оид энг муҳим вазифалар юклатилади, уларни амалга оширишида муттасил тақомиллашув жараёни алоҳида ўрин тулади. Оммавий ахборотнинг нуфузи, авваламбор, унинг кенг халқ оммасига қаратилганлиги билан изоҳланади. Бунда аудиториянинг ўзи ҳам ОАВ ходимларининг профессионал билим ва малакага эга бўлишини тақазо этади. Мақолада функционал услубларни медиа тилида намоён бўлиши ва нутқ маданияти масалалари ёритилган.

Калим сўзлар: медиа тили, ахборот, услублар, нутқ, матн, нутқ маданияти, меъёр, журналистика.

ABSTRACT

Currently, the mass media of our country has become one of the most effective means of information transmission and communication, one of the important social institutions of modern society. It is the mass media that are entrusted with the most important tasks related to the formation and development of social consciousness, and the process of continuous improvement plays a special role in their implementation. The influence of public information is primarily explained by its focus on the general public. In this case, the audience itself determines that media workers have professional knowledge and skills. The article covers the issues of the manifestation of functional styles in the media language and the culture of speech.

Key words: media language, information, styles, speech, text, speech culture, norm, journalism.

КИРИШ

Хозирги вақтда жамият сон-саноқсиз ОАВ орқали янгиликлардан тезда воқиф бўлишдек катта ва тезкор имкониятларга эга бўлди. Ахборот қандай тарзда қабул қилинмасин, у, барibir, тил воситалари орқали ўз ифодасини топади.

Ушбу муаммонинг долзарбилигини тилшунос А. Абдусаидов ҳам таъкидлаб: “Газета тили ўзбек адабий тилининг таркибий қисмидир. Шу сабабли газета тилининг лисоний хусусиятларини ўрганиш ўзбек адабий тилининг ривожланиши, адабий нормаларининг турғунлашувига хос баъзи қонуниятларни белгилашга хизмат қиласди”, – дейди [1, 39]. Айнан шу фикрлар радио ва телевидение тили учун ҳам тааллуқлидир.

ОАВ тилининг мақоми икки омилга, яъни биз тил истилоҳини қайси маънода тушунишимиз ва ОАВ тили миллий тилнинг функционал турлари орасида қандай ўрин эгаллаб турганлигига боғлиқ бўлади.

Хозирда ОАВ тили миллий тилнинг барча функционал турлари орасида ҳукмрон ўринни эгалладики, унда барча функционал услубларнинг ресурслари мужассамлашган. Бошқача қилиб айтганда, ОАВ тили бугунги кунда, буни хоҳлаймизми, йўқми, миллий тилнинг жамлама образидан иборатдир.

Н. Маҳмудовнинг фикрича: “... тил миллат деган бирликнинг тамал тоши, у бой берилса, миллат ҳам бой берилади. ... миллатнинг борлиги ва бирлигининг бош белгиси тилдир” [2, 3]. А. Рустамов ҳам тил софлиги миллат мустақиллигининг муҳим шарти эканлигини эътироф этади [3, 4].

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Хозирги кунда оммавий ахборот воситалари нутқнинг энг таъсирчан ва мақбул шакли, жамоатчилик фикри, қарашлари ва кайфиятларини шакллантиришнинг самарали механизми сифатида намоён бўлаётганлиги эътироф этилмоқда. ОАВ кўпайиб боргани сари адабий тилда ҳам маълум ўзгаришлар, аникрофи, тилда сўзлашув услуби таъсири устунлик қилаётгани кузатилмоқда. ОАВ таъсирида юзага келган тилдаги бундай “ўзгариш”лар тилшунослик нуқтаи назаридан дикқатга молик.

Адабий тилимиз, бу – газета-журналлар, телевидение ва радиодаги ошкора нутқ, бадиий адабиёт демакдир. Уларнинг ҳар бири доирасида адабий тил ўзининг айрим кўринишларинигина намоён этади.

XX асргача адабий тил, бу – бадиий адабиёт, илмий адабиёт ва расмий ҳужжатлар тили бўлиб келган бўлса, бизнинг даврда публицистик услуб, ундан кенгроқ олинса, журналистика оммавий мулоқот тили адабий тилнинг тенг ҳуқуқли узвий қисми сифатида юзага келди. ОАВ тили намунавий тил сифатида қабул қилинмоқда.

ОАВнинг пайдо бўлиши ва кенг тарқалиши инсон тақдирига, хатти-ҳаракатига, онгига доимий таъсир этиб туради. Ф. Мўминов бу ҳақда шундай ёзади: “Матбуот инсонга матн орқали (мантикий) таъсир қилса, радио ҳам матн, ҳам овоз билан, телевидение эса, матн, овоз билан бирга, тасвир ҳам қўшилган

холда таъсир қиласи. Шунинг учун телевидение аудиторияга таъсир этиш борасида қисқа вақт – 20-30 йил ичида бошқа воситалардан ўзиб кетди ва етакчи восита бўлиб қолди” [4, 76].

Тил – ОАВнинг асосий хабар бериш қуроли бўлиб хизмат қиласи. Шу боисдан ҳам уни, аввало, лингвистик томондан ўрганиш зарурати мавжуд. Бироқ маълумотларни қабул қилиш, албатта, бир қанча бошқа гуманитар фанлар билан ҳам боғлиқ. ОАВ тилини тадқиқ этиш уни қабул қилиш масаласи билан алоқадор ҳолда олиб борилса, бу борада янада холис фикр юритиш мумкин бўлади.

Тил – инсонлар ўртасидаги мулоқотнинг энг муҳим воситаси, фикр ва ҳиссиётларни ифодалаш, янги маълумотлар, билимларни ўзлаштиришнинг асосий механизми. Бошқалар онги ва ҳиссиётларига самарали таъсир қўрсатиш учун мазкур тил соҳиби уни яхши билиши, нутқ маданиятини эгаллаган бўлиши лозим. Ягона адабий тил, унинг амалдаги қонуниятларига амал қилиш миллат ва мамлакат доирасида тўсиқсиз ахборот алмашишининг асосий воситасидир [5, 25].

Журналистлик – ижодий касб. Журналист ўз фикрини аниқ ва ёрқин тарзда ифодалashi лозим. Ундан фикр ва сўзларни ўз ўрнида қўллаш талаб қилинади.

Нутқ маданиятини эгаллаш, айниқса, тилдан маҳорат билан фойдалана олиш, биринчи навбатда, айнан журналистлар учун муҳим. Зеро, қалам аҳли учун тил факат профессионал фаолият қуролигина эмас, балки ОАВ тили аудитория томонидан онгли ёки ғайришуурый тарзда ўзлаштириб олинадиган ўзига хос “намунавий” тил бўлиб хизмат қиласи. Ана шу намунани, яъни тил меъёрларини ОАВ орқали ўзлаштирган аудитория кейинчалик уни ўз нутқида кенг қўллайдики, бу, ўз навбатида, жамиятда янги, тўғри ёки нотўғри тил меъёрларининг қарор топишига олиб келади. Шу боисдан ҳам асосий ОАВ адабий тилни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратадилар, муайян маънода мамлакатда она тили ривожланишига таъсир қўрсатадилар, яъни адабий тилнинг замонавий меъёрларини шакллантириш ва тарқатишнинг асосий омили бўлиб хизмат қиласи.

Журналист нутқи аудитория томонидан меъёрий нутқ сифатида қабул этилгани учун ўқувчи, тингловчи ёки томошабин, айниқса, ёшлар ўзларининг севимли журналистлари, теле- ва радиобошловчиларига тақлид этишга интиладилар, уларнинг нутқини “кўчира бошлайдилар”. Ана шунда аудиторияга тил воситасида нутқий таъсир қилинади.

М. П. Сенкевич таъкидлаганидек: “Жамиятда ахборот алмашинувининг кучайиши нутқ фаолияти, нутқ маданияти, нутқ билан боғлиқ хулқ жараёнларини таҳлил этишга қизиқишининг ортиши билан биргалиқда кечади, бу эса истеъмолчига нутқий таъсирининг юқори самарасини таъминловчи амалий тавсияларни ишлаб чиқишига хизмат қиласди” [6, 96]. Шу боис журналистлар учун нутқ маданиятини пухта эгаллаш масаласи биринчи ўринга чиқмоқда.

Оммавий коммуникация давригача нутқ маданиятини эгаллаш талаби ва бунга эҳтиёж муайян миллат ёки халқ тили адабий кўринишнинг шаклланиш жараёнида пайдо бўлган. ОАВ таъсирида адабий тилдаги бундай “тovланиш”лар тилшуносларда катта қизиқиш уйғотади.

Нутқ маданиятига оид билим, малака ва кўникмалар билан қуролланиш давр талабига айлангани учун уни илмий жиҳатдан жиддий ўрганиш ОАВ, аникроғи, радио яратилганидан кейин аста-секин авж олди. Нутқ маданияти таълимоти тилнинг адабий ва ноадабий шакллари, статик ва динамик ҳолатлари, унинг функционал турлари ҳақидаги қарашларнинг яратилиши билан биргалиқда ривожланиб борди.

Умуман олганда, нутқ маданияти таълимоти ўз тараққиёти давомида икки босқични босиб ўтган ва шунга кўра, уни:

- 1) ОАВ (ахборот даври ёки оммавий коммуникация) гача бўлган давр;
- 2) ОАВ даври (ёки ахборот даври) нутқ маданиятига бўлиш мумкин.

Ҳар иккала давр нутқ маданиятида ўхшашиблик ва фарқлар бор, улардан дастлабкиси кейингисининг тараққиётида асосий замин бўлган. ОАВ даврига келиб оммавий коммуникация воситалари миқёсидаги нутқ маданиятига қизиқиш янада ортди. ОАВ ривожлангунга қадар ҳар бир инсон ўз тил бойлигини, адабий тил меъёрлари ҳақидаги билимларини бадиий асарларни ўқиб оширган бўлса, ҳозирги пайтда унинг ўрнини журналист нутқи эгаллади, дейиш мумкин.

Оммавий коммуникация даврига қадар нутқ маданиятини эгаллаш дейилганда сўзга чечан, уни қўллашга уста, яъни нотик, вазъхон бўлиш тушунилган. Алишер Навоийнинг машҳур “Маҳбуб ул-қулуб” асарида баён этилган қуйидаги фикрларга эътибор берайлик: “Ваъз бир муршид ва огоҳ ишидур ва аниг наҳатини қабул этган мақбул кишидур... . Воиз улдирки мажлисиға холи кирган одам тўлғай ва тўла кирган холи бўлғай, улки буюриб ўзи қилмағай, ҳеч кимга фойда ва асар аниг сўзи қилмағай... ” [7].

Ўзбекистон мисолида олиб қараганда, ОАВ тил маданиятига эътибор айниқса, мамлакат Мустақиллиги даврида кучайди. Бу – ўзбек тилига давлат

тили мақоми берилиши ва унинг қўлланиш соҳаларининг кенгайганлиги натижасида юз берди. “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида” қонуни она тилимизга бўлган ғуруримизнинг ифодаси” [8, 39]. бўлиб қолган бўлса-да, аммо бу ўзбек ОАВда тил муаммолари бутунлай ижобий ечим топганлигини билдирамайди.

ОАВ, энг аввало, матбуот, сўнг радио, кейинчалик эса телевидение, ниҳоят, интернет глобал тармоғининг яратилиши ахборот алмашинуви макони ва замони сарҳадларини мислсиз даражада кенгайтириб юборди. Бу ОАВгача бўлган даврда шаклланган нутқ маданияти хусусиятларининг ОАВ даврида жадал такомиллашувига олиб келди.

Олимларимиздан Н. Жумахўжа ўзининг “Адабий тилимиз асосчиси” номли мақоласида ўзбек адабий тилининг ҳозирги кундаги муаммоларига тўхталиб шундай ёзади: “Бугунда радио, телевидениеда, газета ва журналларда, нашр ишларида адабий тил меъёрларидан чекиниш, мустақил Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонунига итоат этмаслик, уни моддама-модда, изчил равишда амалга оширишда сусткашлик кўрсатиш, адабий тил меъёрларига асосланган ўзбек тилининг асосий имло қоидаларига риоя қилмаслик тамойиллари сезилмоқда” [9].

Бугунги матбуот хусусида журналист А. Жўраев шундай ёзади: “Баъзи матбуот нашрлари – тиҳсиз қарияга ўхшаб қолди” [12]. Журналистнинг куйиниб айтган сўзларида жон бор, албатта. У айтган “тиҳсиз қария”га айланиб қолмаслик учун эса, матбуотга саводхонлик даражаси юкори, матбуот тилини чуқур билган ва қалами ўткир малакали кадрлар зарур бўлади.

Жуда кўп фактик материаллар шуни кўрсатиб турибдики, ахборот тарқатиш ва етказиш суръати ошгани сари уни ифодалаш савияси ёмонлашмоқда. Ахборот техникаси ҳар қандай бошқа техник восита каби инсонни нутқий фаолиятда ҳам жуда пассив, дангаса ва ялқов қилиб қўймоқда. Ахборотнинг улкан уммонига ғарқ бўлаёзган инсоният у ҳақдаги ўз фикрларини айтишга улгура олмаётганлиги ҳам умумий нутқий маданият савиясининг пасайиб кетишига олиб келди.

Журналист жамоатчилик фикри ва дунёқарашини шакллантириш учун ўткир тилга эга бўлмоғи лозим. Ўз фикрини лўнда ва аниқ, ҳар қандай информацияни, турли-туман воқеалар ҳақида, жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий, маънавий тараққиёти учун хизмат қилувчи ахборотни оммага етказишида содда, тушунарли тилда баён этишлик журналистдан маҳорат талаб қиласи [5].

Анвалги адабий сўзлашув ва оддий сўзлашув нутқ маданиятлари янги таснифда миший нутқ тури номи остига бирлаштирилди. Бу улар ўртасидаги чегараларни “ювиб юборади”. Мазкур янги атама “сўзлашув нутқи маданияти”, “сўзлашув услуби”, “сўзлашув нутқи” каби тушунчаларнинг аралашиб кетишига йўл қўймайди. Норасмий вазиятларда бундай номланишлар ҳар қандай турдаги нутқ маданияти ифодасига мос келади. Шунинг учун “миший нутқ маданияти тури” ибораси бу фикрни аниқроқ ифодалайди [10;11;].

Тил ўзи акс эттирган жамият ва табиат каби мураккаб ҳодиса бўлгани каби, уни илмий тадқиқ ва талқин этишда турфа ёндашувлар мавжудлиги ҳам кузатилади. Айнан шу ҳол тил ҳодисасини турлича ёритишга сабаб бўлади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. Абдусаидов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари. Филол. фан. номз. ... дис. автореф. –Тошкент.: 2005. -39 б.
2. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқ маданияти. –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007. – Б.3.
3. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. – Тошкент: Extremum press, 2010. –Б.4.
4. Мўминов Ф. Журналистика ижтимоий институт сифатида. – Тошкент., 1998. – Б.76.
5. Пардаев А, Рўзиев Ф, Маҳамадалиев Х. Журналистика тил ва ифода. - Тошкент: Истиқлол, 2006. - Б. 25.
6. Сенкевич М. П. Культура радио- и телевизионной речи. – М.: Высшая школа, 1997. – С. 96
7. Навоий Алишер. Асарлар. 20 жилдлик. 14- жилд. – Тошкент, 1998. 32- 6.
8. Матбуот тили ва имло //Ўзбекистон матбуоти. – Тошкент, 2005, № 5. – Б.38-39.
9. “Навоийга армуғон”. Мақолалар тўплами. –Тошкент: Фан, 2004. 136-б.
10. Сиротинина О. Б. Типы речевых культур и проблема кодификации норм // Словарь и культура русской речи. К 100летию со дня рождения С. И. Ожегова. –М., 2001.
11. Солганик Г. Я. Место языка СМИ в литературном языке. Перспективы развития. Язык массовой и межличностной коммуникации. –М.: Медиа Мир. 2007.
12. www.uzmatbuoti.uz